



БОЛАЛАР КУЛГИСИГА ТЎЛГАН «БУХОРО»

БУХОРО ШАХРИДА 250 ўРИНЛИ «БУХОРО» НОМЛИ ЗАМОНАВИЙ БОЛАЛАР СОҒЛОМЛАШТИРИШ ОРОМҒОҲИ ФЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛДИ. ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ТАШАББУСИ БИЛАН МАМЛАКАТИМИЗДА ЁШ АВЛОДНИ ҲАР ТОМОНЛАМА ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШГА ҚАРАТИЛГАН ИСЛОХОТЛАР ДОИРАСИДА БАРПО ЭТИЛГАН ЯНГИ ОРОМҒОҲ НА-ФАҚАТ СОҒЛОМЛАШТИРИШ, БАЛКИ МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ, ИЖОДИЙ ВА ЖИСМОНИЙ РИВОЖЛАНИШ МАСКАНИ СИФАТИДА ФАОЛИЯТ ЮРИТИШИ НАЗАРДА ТУТИЛГАН.

Оромгоҳ очилишида вилоят ҳокими, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ёшлар, волонтерлар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди. Тантанали маросимда сўзга чиққан Бухоро вилояти ҳокими янги масканнинг очилиши билан барча болалар ва уларнинг ота-оналарини самимий табриклади.

– Ёш авлоднинг соғлом ўсиши ҳамда иқтидори ва қобилиятини ривожлантириш учун барча шароитларни яратиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишидир. Янги оромгоҳ ана шу эзгу мақ-

садларга хизмат қилади, – деди ҳоким ўз нутқида.

ЗАМОНАВИЙ ИНФРАТУЗИЛМА ВА МАҚСАДЛИ ДАСТУРЛАР

4,2 гектар майдонни эгаллаган, 56 миллиард сўм сармоёга қурилган оромгоҳда икки қаватли ётоқхона, ошхона, маъмурий бино, тиббиёт пункти, кутубхона, маънавият хонаси, амфитеатр, волейбол ва мини-футбол майдонлари ҳамда сув ҳавзаси мавжуд.

Масканда болаларнинг дам олишини мазмунли ташкил этиш мақсадида 12 кун-

лик намунавий тарбиявий дастур асосида тадбирлар амалга оширилади. Ушбу дастур халқаро тажриба ва миллий қадриятлар уйғунлигида ишлаб чиқилган.

– Биз фақат ўғил-қизларимиз дам олишини эмас, балки уларнинг интеллектуал, ижодий, жисмоний салоҳиятини юксалтиришни ҳам мақсад қилганмиз, – дейди Болаларнинг дам олишини ва соғломлаштирилишини ташкил этиш департаменти Бухоро вилояти бўлими раҳбари Ҳамза Рўзиев.

Оромгоҳга хавфсизлик, тиббий хизмат кўрсатиш, соғлом ва тўйимли овқатланиш,

санитария ва жамоат тартибини таъминлаш юзасидан тегишли мутахассис ва масъуллар жалб этилган.

ИНСОН ҚАДРИ УЧУН ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Умуман, Бухоро вилоятида жорий йил ёз мавсумининг биринчи навбатида 143 та оромгоҳ фаолият юритмоқда. Уларга жами 19 810 нафар бола қамраб олинади. Хусусан, 11 та стационар оромгоҳда 8 400 нафар, 132 та кундузги оромгоҳда 11 410 нафар бола соғломлаштирилади. Бу ҳар бир бола учун мазмунли дам олиш ва ривожланиш имкони-

ятини яратишга қаратилган улкан кўламдаги ишларнинг амалий натижасидир.

«Бухоро» болалар соғломлаштириш оромгоҳи нафақат дам олиш маскани, балки ҳар томонлама баркамол авлодни тарбиялашга қаратилган муҳим ижтимоий лойиҳа ҳамдир. Ушбу ташаббус «Инсон қадри учун» деган эзгу мақсадга хизмат қилувчи яна бир амалий қадам сифатида бухоролик ўғил-қизлар ҳаётида алоҳида ўрин эгаллайди.

Дилдора ИБРОҲИМОВА
«ISHONCH»

■ ПРЕЗИДЕНТ ТАШРИФИДАН СЎНГ

КҮЁШ ПАРКЕНТДА ЮЗ ОЧАДИ

Мухтарам Юртбошимизнинг Паркентга ташрифи фақат паркентликлар учун эмас, балки Тошкент вилояти, қолаверса, мамлакатимиз аҳли учун ҳам ҳар жиҳатдан тарихий аҳамиятга эга, унутилмас воқеа бўлди. Катта-катта лойиҳаларга қўл уриш арафасида турган тадбиркорлардан то оддий аҳолигача бунинг натижасини, маҳсулини кўрмоқда, сезмоқда. Шу боис ўзини англаган юртдошимиз борки, бу кунларнинг, бу имконларнинг қадрини чуқур ҳис этиб, Ватан ривожини, миллат тараққийси бирликда, яқдилликда эканига яна бир қарра амин бўлдилар.

3-саҳифада ўқинг

БАА ИНВЕСТОРЛАРИНИ

Ўзбекистонга
чорлаётган жозиба

«Ishonch»нинг
YouTube даги
саҳифасида
кўринг!

СИЗГА ҲАМ ТАВСИЯ ЭТАМИЗ!

ЎҚУВ

ЕТАКЧИЛАР ТАЖРИБА ОШИРИШДИ

Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети-нинг Нукус филиалида «Касаба уюшмаси фаолиятида жамоа шартномаларининг ўрни, меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик масалалари» мавзусида ўқув-семинар бўлиб ўтди.

Тадбирни Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши-нинг Қорақалпоғистон бўйича масъул ташкилотчиси Ерғали Сейтназаров очиб берди. Унда Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси ўринбосари Шавкат Жавлонов, Федерациянинг Қорақалпоғистон кенгашининг Ташкилий ишлар бўлими мудири Гулнора Ил-

муродова, Меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими мудири Пулат Тўремура-тов ва бошланғич касаба уюшмаси қўмитаси раислари қатнашди.

Семинар аввалида касаба уюшмалари ишини ташкил этиш, ходимларни ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш ва меҳнат муҳофазаси борасида муҳим маълумотлар

берилди. Шундан сўнг филиал бошланғич касаба уюшмаси раиси Г.Казахбаева ўз тажрибаси билан ўртоқлашди. Шу тариқа янги сайланган бошланғич касаба уюшмаси қўмитаси раисларининг соҳага оид билимлари кенгайтирилиб, амалий тажриба ва кўникмалари оширилди.

Фотима АБДУРАИМОВА
«ISHONCH»



SEMINAR

МУҲИМ МАВЗУЛАРДА МУЛОҚОТ

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Сирдарё вилояти кенгашида меҳнаткашларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, иш билан боғлиқ бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш каби масалалар юзасидан семинар ташкил этилди.

Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси ўринбосари Эркин Байниязов ҳар бир маъруза муҳим ва долзарб эканлигини

алоҳида эслатди. Бундай семинарлар эндиликда ҳар бир корхона ва ташкилотда ўтказилишини қайд этди.

— Ўқув машғулотлар жуда фойдали бўлди,

— дейди «Индорама агро» МЧЖ бошланғич касаба уюшмаси қўмитаси етакчиси Шерзод Алибоев. — Соҳага оид қўллаб-қувватлашга эга бўлди. Бу ерда ўрганганларимиз, тўплаган билим ва тажрибаларимиз келгуси фаолиятимизда асқатиши шубҳасиз.

Баҳор ХОЛБЕКОВА
«ISHONCH»



Келгуси сонларда ўқинг...

Ўзбекистон касаба уюшмалари ҳаракатининг 120 йиллигига

УЧ АВЛОД ТАНЛОВИ

ЗАКОВАТ

ТАФАККУР БАҲСИДА КИМ ҒОЛИБ?



Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Хоразм вилояти кенгаши ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамиятдаги ўрнини янада мустаҳкамлаш мақсадида турли-туман тадбирлар уюштириб келмоқда.

Касаба уюшмалари ҳаракатининг 120 йиллиги муносабати билан корхона ва ташкилотларда фаолият кўрсатаётган ёш ходимлар ўртасида ташкил этилган «Заковат» интеллектуал ўйини ана шу ишларнинг манткий давоми бўлди.

Етти тarmoқнинг касаба уюшмаси қўмитаси вакиллари ўзаро беллашган ақл ўйинида Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмасининг «Жай-

хун» жамоаси биринчи, Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмасининг «Қалқон» жамоаси иккинчи, Маданият, спорт ва туризм ходимлари касаба уюшмасининг «Ренессанс» жамоаси учинчи ўринни эгаллади.

Шунингдек, касаба уюшмалари томонидан ташкил қилинаётган саёҳатлар, музейларга ташрифлар, танловлар, спорт мусобақаларида ҳам ёшлар фаоллик кўрсатишмоқда.

Бахтиёр ИСМОИЛОВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Хоразм вилояти кенгаши раисининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси



Болалар — ҳаётимиз давомчилари, келажакимиз эгалари. Уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳар томонлама баркамол инсонлар қилиб вояга етказиш ҳар бир давлат, ҳар бир оила, ҳар бир ота-онанинг муқаддас бурчи ҳисобланади. Баралла ай-тиш мумкинки, юртимизда келажакимиз ворислари ана шундай меҳр-муҳаббат, ғамхўрликлар оғушида вояга етмоқдалар.

Кўнгишларга шодлик улашилди

«Янги Ўзбекистоннинг бахтиёр болалари» ширин остида ўтказилаётган тадбирлар доирасида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Наманган вилояти кенгаши раиси Ҳасанбой Ҳожаев ва бир гуруҳ ходимлар Наманган шаҳридаги Болалар уйида парваришланаётган ногирон болажонлар ҳол-аҳволидан хабар олдилар. Шу жараёнда яратилган шарт-шароитлар билан танишиб, муассаса ходимлари билан дилдан суҳбатлашдилар. Суянра кичкинтойларга озиқ-овқат маҳсулотлари ва гигиена воситалари топ-

ширилди. Бундан ташқари, меҳридарё ходимлар келгусида навбати билан касаба уюшмалари томонидан юртимизнинг тарихий шаҳарларига саёҳатга боришлари учун бепул йўлланмалар билан таъминланишини эслатиб ўтдилар.

Зафарбек Жўраев,
Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Наманган вилояти кенгаши раиси



БОР БЎЛ, ОҚИБАТ!

САРҲИСОБ

Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмасининг Самарқанд вилояти ташкилотлари таркибидagi 656 та бошланғич ташкилотда ҳисобот-сайлов йиғилишлари бўлиб ўтди. Шу жараёнда ўз сафига 205 минг нафар аъзони бирлаштирган тармоқда салкам йигирмага яқин етакчи жамоа ишончини қозона олмагани аён бўлди. Масаланинг эътиборли жиҳати, янгидан шакллантирилган таркибда тизимда ишлаётган хотин-қизлар фаоллик кўрсатаётгани яққол кўзга ташланыпти.

ЭСКИЧА ИШЛАШ ПАНД БЕРАДИ

Тармоқ касаба уюшмаларининг беш йиллик фаолият таҳлилига бағишланган тадбирда ютуқ ва камчиликлар ҳолис баҳоланди. Ўтган даврда агрорасаноат мажмуида меҳнат қилаётган 38,5 мингдан ортиқ ходимлар касаба уюшмалари сафига қабул қилинди. Жамоа шартномалари орқали ҳар бир ходимга сарфланаётган маблаг миқдори олти бараварга кўпайди. Тизим иқтисодиёти юксалгани боис ходимлар учун белгиланган имтиёз ва кафолатлар қўламини кенгайтирди. Масалан, 2020 йилда меъёрий ҳужжатлар асосида вилоят миқёсида ходимлар ва уларнинг оила аъзоларига тақсимланган ижтимоий қўмак 1 миллиард 596 миллион сўмни ташкил этган бўлса, 2025 йилнинг январь ойи ҳолатига салкам 10,5 миллиард сўмга етди.

— Тизимда бахтсиз ҳодисаларга барҳам бериш, ишлаб чиқаришда жароҳатланишлар ва касалланишлар олдини олиш, асбоб-ускуналар, технологик жараёнлар хавфсизлигини таъминлаш, иш жойларини паспортлаштириш ва аттестациядан ўтказиш, техника хавфсизлиги ҳамда меҳнат шартномаларини яхшилаш, ходимларни маънавий ва моддий рағбатлантириш борасида қатор чора-тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда, — деди Агрорасаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Самарқанд вилояти бўйича масъул ташкилотчиси Маъруф Бобоёров йиғилишда сўзга чиқиб. — Шунга қарамай, тармоқ корхоналарида ишлаб чиқариш билан боғлиқ кўнгишликларнинг олди олинмаган. Оқибатда сўнги беш йил мобайнида корхоналарда 5 та бахтсиз ҳодиса содир бўлди. Уларнинг 4 таси оғир оқибатларни келтириб чиқарди, 1 таси ўлим билан яқун топди. Албатта, касаба уюшмалари мушкул аҳволда қолган, мусибат этган оила вакиллари ҳуқуқларини ҳимоя қилиб, уларга қўнунларда белгиланган миқдорда моддий ёрдам кўрсатди.

Касаба уюшмалари томонидан турли йўналишлар бўйлаб саёҳатлар уюштиришга ҳам жиддий эътибор қаратилди. Натижада ишчи-ходимлардан 33 минг 410 нафари вилоят, 3560 нафари республика бўйлаб бепул саёҳатларга бориш имконига эга бўлди.

Келгусида ижтимоий ҳимоя юки залвори янгидан шакллантирилган 11730 та цех ташкилоти гарданига тушади. Уларнинг олдида турган вазифалар тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси ўринбосари Тўхта Бозоров томонидан муфассал тушунтирилди. Ушбу мавзуда доир саволларга эса тармоқ ва вилоят касаба уюшмалари мутахассислари жавоб беришди.

Нурилла ШАМСИЕВ
«ISHONCH»

ЎРНАК

«ШУ САФДА ЭКАНИМДАН ФАХРЛАНАМАН»

Олот тумани тиббиёт бирлашмасидаги касаба уюшмаси фаолияти ҳақида сўз кетганда, кўз олдимизда масъулият ва ҳаётий ёндашувга асосланган изчил ҳаракатлар намоён бўлади. Бу жараёнда туман тиббиёт бирлашмаси касаба уюшмаси қўмитаси раиси сифатида узоқ йиллар фаолият юритган Илҳом Ўриновнинг хизмати алоҳида эътирофга лойиқ.

Илҳом Ўринов 2015 йилдан жорий йилга қўйилди. Меҳнатни муҳофаза қилиш масаласи ҳам фаолиятнинг устувор йўналишларидан бирига айланди. Сўнгги беш йил мобайнида меҳнат муҳофазаси комиссияси томонидан иш берувчига 13 та расмий тақдимнома киритилди. Ходимларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш ва меҳнат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида 28 марта тадбир ўтказилди. Бу тадбирлар самараси ўларок, 2024 йили Олот тумани тиббиёт бирлашмаси «Корхонада меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги ҳолати» номинациясининг вилоят босқичида 1-ўринни кўлга киритди.

Касаба уюшмаси жамоа шартномасининг ҳар бир бандини амалда таъминлаш орқали ходимларнинг ижтимоий ҳимоясига жиддий эътибор қаратди. Масалан, 2020 йилда ҳар бир ходим учун ўртача сарфланган маблаг 1 688 000 сўмни ташкил этган бўлса, 2024 йилга келиб, бу кўрсаткич 4 727 530 сўмга етказилди.

Касаба уюшмасига келиб тушган мурожаатлар ҳам бу ишончли фаолиятнинг амалий тасдиғидир. Биргина 2024 йилда 225 та мурожаат қабул қилинди. Улар, асосан, моддий ёрдам, йўлланма, ҳуқуқий масалалар ҳамда уюшма фаолияти билан боғлиқ муаммоларга тааллуқли бўлиб, ҳар бири ўз вақтида кўриб чиқилиб, ижобий ҳал этилди.

Жорий йилги сайловларда Илҳом Ўринов ўз номзодини илгари суришда иккиланди. Бунга сабаб — саломатлигидаги ўзгаришлар бўлиб, бу масъулиятли вазифани эндиликда еш ва ташаббускор авлод давом эттириши

кераклигини англади. Аммо касаба уюшмаси фаоллари сафидан буткул узилмади — аъзо сифатида фаолиятни давом эттирмоқда.

— Касаба уюшмаси раҳбари сифатида 10 йиллик фаолиятимда асосий мақсадим — ҳар бир ходимнинг дардига қулоқ тутиб, унинг манфаатини биринчи ўринга қўйиш бўлди. Бу иш фақат қоғозда эмас, ҳаётда ўз тасдиғини топиши учун ҳаракат қилдим, — дейди у. — Соғлигим туфайли қўлимта раис сифатидаги фаолиятимни яқунладим, аммо ҳали ҳам шу сафдаман.

Аслида Олот туманидаги касаба уюшмаси фаолияти фақат бир ташкилот мисолида эмас, балки бутун жамоатчилик учун намуна бўла олади. Бу фаолият замирида инсон меҳнатига бўлган эҳтиром, унинг манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган ҳаракатлар ва чуқур масъулият мужассам.

Дилдора АМРИЛЛОЕВА

ТИНЧИЛ ТИЛАГИ –
МУҚАДДАС

Яхши ният инсонни яйратади. Шундай сўзлар борки, кунда неча бор такрорласангиз ҳам оҳори тўқилмайди. Аксинча, эшитганингиз сари хузурланасиз. Нафақат чеҳрамингиз, балки кўнглингиз ҳам жилмаяди. Бу ният сизу бизга руҳий кувват бағишлайди, эзгу ишларга чорлайди.

Аллоҳнинг номи билан ўзимизга, оила аъзоларимиз ва элу юртимизга тилаган тинчликдан, омонликдан, хотиржамликдан тотли тилак борми?... Зотан, Яратганнинг мана шу неъматлари оғушида бўлсак, сўзимизда оҳанг, чеҳрамингизда тинчлик, ишимизда унум, файзу барака бўлади. Шунинг учун ҳам боболаримиз, момоларимиз дуога кўл очганларида, аввало, ушбу хуш ниятлар янграйди. Сўзимиз ибтидосида таъкидлаганимиздек, бу тотли неъматлар бизни ҳеч қачон тарк этмасин, илоҳим. Аммо бемақсад урушлар тўғрисида дунёда юз бераётган нотинчликлар, беғуноҳ қурбонлар, озурда оналар фарёди, норасида гўдаклар ноласи кўз ўнгингизда, қўлогингиз остида жаранглаб, дилингизни тикандек тирнаб турганда хотиржам яшаш мумкинми? Мана шундай дамларда, айниқса, бирлик, жипслик, ҳамжихатлик сув билан ҳаводек зарурлиги билинади.

Хурматли Президентимиз Шавкат Мирзиёев жорий йилнинг 18 июнь куни Тошкент вилоятининг сўлим ва баҳаво гушаларидан бири Паркент туманига бу ердаги иқтисодий ривожланиш ва амалга оширилаётган янги лойиҳалар билан танишиш мақсадида қилган тарихий ташрифи асосида жамоатчилик вакиллари билан учрашиб, илк сўзларини тинчлигу хотиржамликдек буюқ неъматдан бошлади. Инчунин, бу улуг кўнларнинг қадрига етиш, шукронасини келтириб яшаш ҳар биримизнинг бурчимиз, вазифамиздир. Юртбошимиз кўнчаллик билан одамдод учун тинчлик, ҳамжихатлик сув билан ҳаводек зарурлиги юзи аҳолиси масъул эканини таъкидлади.

Ҳақиқатан ҳам, бу оламшумул бунёдкорликлар, янгидан-янги лойиҳалар, сон ва сифатнинг ўсиши, турмуш даражасининг ортиши халқимизнинг фаровон ҳаёти замирида Яратган инъом этган тинчлигимиз хайри бордир.

Келинг, энди бу «мева» Паркент боғларида қандай тотли ҳосил бераётгани хусусида бир гурунглашайлик, қузатайлик, бирга бохабар бўлайлик.

«ПАРКЕНТСОЙ» САОДАТИ

Бугун Паркент сўзини тилига олган одам бир тотли тамшаниб қўяди, десак, муболага бўлмас. Боиси Паркент узумлари, шакардан ширин, асалдек азиз мевалари, кейинги йилларда барчани «ошиқ» у беқарор қилаётган мадор сомсаси фақат Паркент туманида бўлади. Чунки Паркент тулуроғи, Паркент ҳавосида бундан ўзгача бўлиши мумкин эмас. Бежиз бу муқаддас замин Восифий, Хўжа Аҳрор Валийдек табаррук сиймоларни, тенгсиз истеъдод

Кўёёш ПАРКЕНТДА ЮЗ ОЧАДИ



массивидан бошлади. Бу ерда қад ростлаган кўп қаватли янги хонадонлар шарт-шароитлари билан танишди. Бош лойиҳага асосан Паркентсой қирғоғида, умумий майдони 6 гектар бўлган ҳудудда 5 минг 500 хонадонни ўз ичига олган 125 та кўп қаватли тураржой курилади. Хайратанарлиқ шуки, шу пайтгача ушбу уйлارнинг 27 таси қад ростлашга улгурди. Худуд бўйлаб 300 та автомобилга мўлжалланган очик автотурароғоқ, 7 та болалар майдончаси, 3 та соғломлаштириш майдончаси, 2,5 минг

лиш, муҳтож, эътиборталаб хонадон соҳибларига давлат томонидан яратилаётган шарт-шароитлар хусусида батафсил тўхтали. Шу маънода, бир ҳовлида 3-4 келин билан қисилб ўтирган ҳамюртларимизга аҳоли эиқ жойлашган маҳалларда ҳам 5-7 қаватли уйлар курилади. Муҳтож оила-ларнинг ҳовли товлари тепасига давлат томонидан куёш панеллари ва сув иситишда фойдаланишлари учун геоколлекторлар ўрнатилади. Бу тажриба амалиёти Паркентда бошланиб, келажакда оммалаштирилиши ҳам қалбларга фараҳ бағишлайди.

Янги Ўзбекистоннинг янги имкониятлари Паркентга ҳам етиб келганидан беҳад мамнун бўлдик. Шу боис суҳбатда нурунйлар туманимиз аҳолиси номидан Президентимиз эътиборидан миннатдор эканини билдирдилар.

ОЛИМЖОННИНГ ОРЗУЛАРИ

Паркент туманидаги Кумушкон республикада «Туризм қирғоғи» мақомини олган илк масканлардан бири ҳисобланади. Қишлоқда биринчилардан бўлиб «Сайёх – 2000» номи билан меҳмон уйини очган Қодирқул Юсупов бўлади. Орадан йиллар ўтиб, у бошлаган ишни ўғли Олим Юсупов давом эттириб, 16 ўринли меҳмон уйи барпо этди. Бугун уни ҳажман кенгайтириб, 48 ўринга етказди. Меҳмон уйига кирган киши у ердаги миллийликдан, жозибали жиҳозлардан, саранжом-сарихталикдан, табиат гўзаллиги хонадон фаизи ила уйғунлашиб кетганидан яйрайди. Рўҳиятида энгиллик ҳис қилади.

Бир йилда 2 минг сайёҳни қабул қилиш имкониятига эга ушбу меҳмон уйи соҳиб Олимжон ҳозир етти кишини иш билан таъминлади. Оиласида ҳам бахти мукамал юртдошларимиздан. Икки ўғил, икки қизини олий маълумоти қилиб камолга етказяпти. Уғиллари Хамроз, Илҳом, қизи Шахризода инглиз тилида бемалол гаплашади, хорижликлар билан сўзлашувада улар отасининг яқин кўмакчиси.

Олим Юсупов банкдан дастлаб 240 миллион сўм, кейин 2 миллиард, ундан сўнг 1,5 миллиард сўм миқдорда кредит олди. Кумушкон қишлоғидаги Маҷитали бува зейратоҳининг устки қисмидан 1,2 гектар ерни аукцион орқали сотиб олиб, лойиҳа қиймати 12 млрд. сўм бўлган янги дам олиш маскани куриш ишларини бошлаб юборди. Чойхона, замонавий коттеждар ҳадемай ишга тушса, бу ерда ҳам 72 нафар сайёҳ хордиқ чиқариши мумкин бўлади.

Президентимиз кумушконлик тадбиркорнинг хонадонига ҳам ташриф буюриб, шарт-шароитларни кўрди, хонадон соҳибларининг омилиқлиги, ишбилармонлигидан мамнун бўлди. Янада яхши бўлиши учун зарур маслаҳатлар берди. Шундай лойиҳаларни бошқа масканларда ҳам амалга ошириш кераклигини таъкидлади. Зеро, бундай яратувчанлик неғизда ҳам аслида ватанпарварлик туради.

Умуман, Тошкент вилоятида мавжуд мингга яқин меҳмон уйлари кун сайин янада кўпайиб бормоқда. Уларда яратилган иш ўринлари сонни эса 3 мингга яқинлашиб қолди.

ГИЛОС ЭМАС, ШОХЛАРДАГИ
МАРВАРИДЛАР

Президентимиз Кумушкон ҳудудидаги тоғларга туташ жойда бунёд этилган интенс боққа ҳам борди. Бу манзилдаги гўзал имкониятларни кузатди, миришкор боғбонлар билан суҳбатлашди.

«Meridian Tempo» корхонасига қарашли ушбу 54 гектарлик боғда гилос, олма, нок ва малингани экспортбоқ навлари етиштирилмоқда. Кўчатлар Франция ва Испаниядан келтирилган. Дарахтлар ўзини ўзи чаплатиш хусусиятига эга. «Ақли» агрегатлар ерининг нами қочса, автоматик равишда сўғориб ту-

ради. Бу боғ нисбатан тоғли ҳудудда бўлгани учун мевалар бошқа жойларга қараганда, кечроқ пишади. Боғда куёш панеллари ҳам борлиги диққатга сазовор.

Мевалар юз фоиз экспортга чиқарилади. Бу йил 500 тонна олма, 400 тонна нок, 256 тонна гилос, 30 тонна малина етиштириш кўзда тутилган. Албатта, ҳаракатта яраша баракат деганларидек, боғ соҳиблари яхши даромад ҳам олишяпти.

«ОЛТИН БЕЛ»НИНГ
ОРОМИ ХУШ

Президентимиз туман фаоллари билан суҳбат давомида айтган бир фикрлари эътиборини тортиди. Чунки унда ўзига хос бир шоирона ўлжатиш бор эди. Бу фикр парктентлик бўлгани учунини, юрагимга олов сочгандек бўлди. Юртбошимиз гоят самимият ила: «Оламга куёш Япониядан чиқса, Ўзбекистонга Паркентдан чиқади!» – дея эътироф этди.

Бу икки оғиз сўзда дунё-дунё маъно, дунё-дунё юк ва масъулият борлигини ҳис қилдим. Бутун Ўзбекистонимиз аҳоли қатори янги Ўзбекистон тараққиёти учун парктентликлардан ҳам фаоллик, ватанпарварлик ва фидойилик талаб қилнаётганини англадим. Холбуки, куёш Паркентдан чиқаркан, парктентликлар бу ишларда уйғоқ, илғор ва пешқадам бўлмоқи лозим.

Давлатимиз раҳбари Кумушконга туташ тоғлар қафтидаги, хусусан, «Олтин бел» чўқисидagi дам олиш маскани ва янги лойиҳалар билан танишдилар.

Бу ерда «Parkent mountain resort» тоғчанги курорт зонаси ташкил этилади. Лойиҳада 1 та кўп тармоқли ташриф маркази, 7 та дор йўли, 7 та тубанч йўли, 3 та тоғчанги йўли, 4 та меҳмонхона, 40 та вилла, 4 қаватли автотурароғоқ, ресторан, вертолёт майдончаси, болалар майдончаси ва бошқа туризм объектлари ташкил этилиши кўзда тутилган. Президентимиз куриб битказилган намунавий меҳмонхонада яратилган шариоитларни кўздан кечирди. Бу ерда Австрия компанияси томонидан 1 минг 200 гектар майдонда тоғ-чанги курорти курилиши режалаштирилган.

Лойиҳа уч бочқича амалга оширилади ва тўлиқ қувватда кунига 15 минг нафар сайёҳни қабул қилади. 600 га яқин сарфмамуалари ташкил этилади, мавсумий хизматлар билан бирга 10 мингга яқин иш ўрни яратилади.

Ниятимиз, «Олтин бел» чўқиларига чиққан ҳар бир сайёҳ кўксини тоғ ҳаволари, покликка тўлдириб, ўзига улғулиқни ёр қилиб қайтсин.

ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР

Президентимиз ташрифи давомида «VATU Export» масъулият чекланган жамиятининг мевалар ва сабзавотларни куришти, қайта ишлаш ва қаддоқлаш лойиҳаси асосида ишга туширилган корхонасини ҳам кўздан кечирди.

Мазкур қўшма корхона «Алиф» бренди остида Нидерландия ва Бирлашган Араб Амирликларининг йирик фирмалари билан маҳсулотлар экспортни масаласида шартнома имзолаган. Келгусида экспорт ҳажми янада кенгайиб, МДХ ва Европанинг яна бир қатор мамлакатлари ишбилармонлари билан 8 миллион долларлик шартномалар тузилади.

2,16 гектар майдонни қамраган корхона Фуркат Ҳикматов бошқармоқда. Тадбиркор юртдошимизнинг мазкур МЧЖ тармоғида 200 та иш ўрини яратгани Юртбошимизни мамнун этди.

Мамлакатимиз раҳбари, шунингдек, Сўқоқ сайёҳлик маркази лойиҳаси билан ҳам танишди. Лойиҳа янада самарали бўлиши учун ўз тақлифларини берди. Айни лойиҳада марказ 7 гектар жойда барпо этилиши кўзда тутилган. Унда жами 17 турдаги объект бунёд этилади. Хусусан, 100 ўринли чойхона, 350 хонали 2 донга 11 қаватли меҳмонхона, шале типидagi уйлар, соғломлаштириш маркази, автотурароғоқлар, катта-кичик меҳмонхоналар, супалар, осма кўприк, кемпинглар, кузатув майдони ва ҳоказолар Сўқоқ сайёҳлик маркази жозибасини таъминлайди.

ТОҒЛАРГА ЧИҚҚАНЛАРНИНГ
КўНГЛИ ТОҒ БЎЛИБ ҚАЙТАР

Мухтасар айтганда, муҳтарам Юртбошимизнинг Паркентга ташрифи фақат парктентликлар учун эмас, балки Тошкент вилояти, қолаверса, мамлакатимиз аҳли учун ҳам ҳар жиҳатдан тарихий аҳамиятга эга, унутилмас воқеа бўлди. Катта-катта лойиҳаларга кўл уриш афрасида турган тадбиркорлардан то оддий аҳолигача бунинг натижасини, маҳсулини кўрмоқда, сезмоқда. Шу боис ўзини англаган юртдошимиз борки, бу кўнларнинг, бу имконларнинг қадрини чуқур ҳис этиб, Ватан ривожига, миллият тараққиёти бирлиқда, яқдилликда эканига яна бир қарра амин бўлдилар.

Ҳа, Ўзбекистонимизнинг, пойтахти азимнинг қуёши Паркентдан чиқади, бу, албатта, ўз ватани, ўз халқини севган, унинг эртанги кунини учун қайгурган одамнинг қалбида юз очади, уни шунчаки яшашга кўймайди!

Ушбу дил изҳорларимизга нуқта қўйишдан олдин бутун Паркент ахлига, қадри турмушдошларимизга айтомқиманки, қарс ҳамаша икки қўлдан чиқади. Хурматли Президентимиз томонидан кўрсатилаётган шунча эътибор, эъзоз ва ғамхўрликка сизу бизнинг жавобимиз қандай бўлади?

Аввало, ўзимиз уйғониб яшайлик! Мудроқларни уйғотиб яшайлик! Тийрак инсон оёқ остини ҳам, узоқни ҳам ёрқин кўради. Ана шу ёрқинлик бизнинг кўзимизда ҳам, кўнглимизда ҳам бўлсин. Яратган инояти ила бизга тоза ҳаво, тоза сувни тоғларимиз тутатади. Офтоб орази ҳам тоғларимиз оша юз очади. Шу боис Паркент тоғларига талпинувчилар беҳижос. Чунки:

**Тоғларга чиққанни барчаси айтар,
Манеу яшил гули, арчаси айтар.
Тоғларга чиққанга улғулук ёрди,
Тоғларга чиққанлар тоғ бўлиб қайтар.**

Маҳмуд ТОМР,
Ўзбекистон халқ шоири



АҚШда намоишлар

Америка шаҳарларида урушга қарши намоишлар бошланди. Митинглар Таймс-сквер, Оқ уй атрофи, Бостон ва Цинциннати кўчаларида ўтказилмоқда.

Уларнинг сабаби АҚШнинг Эрон ядро объектларига уюштирган зарбалари бўлиб, кўпчилик бунини янги урушнинг бошланиши сифатида кўрмоқда.

Намоишчилар «Урушни тўхтатиш», «Дипломатияга қайтиш» каби шорлар билан билан чиқишмоқда. Гу-воҳларнинг айтишича, намоишлар тинч ўтмоқда, аммо жамиятдаги кескинлик тобора ортиб бормоқда.

«Биз ядровий ҳалокатдан қўрқиб яшашни истамаймиз», дейди намоиш иштирокчилари.

МАГАТЭ: Фордодоги зарбалар катта зарар етказди

МАГАТЭ бош директори Рафаэль Гроссининг маълум қилишича, Эроннинг Фордо ядро объектларида АҚШ ҳарбий-ҳаво кучлари томонидан уюштирилган зарба-лар натижасида ерда катта чуқурлар ҳосил бўлган. Унинг таъкидлашича, бу ер остида портлайдиган снарядлар қўлланилганидан далолат беради.

«Объектда катта яқол ташла-ниб турган кўза ўралар бор. Бу ер остида портлайдиган юқори қудратта эга қуроллар ишлатилганини кўрсатади. Аммо ер остидаги зарар ҳозирча аниқ эмас», деди у. МАГАТЭ бошқарув кенгашининг факултетида йиғилишида.

Фордо Эроннинг стратегик ядро объекти бўлиб, уранин 60 фоизгача бойитиш шу ерда амалга оширилади. Шунинг-дек, Гроссининг маълум қили-нишча, Исфаҳондаги ядро маж-муаси ҳам жиддий зарар кўр-ган. У ерда уранин қайта ишлаш ишлари олиб борилган.

Эрон МАГАТЭга таҳдид қилмоқда

Эрон парламенти Исроил билан кескинлашув ва ядро объектларига уюштирилган зарбалар боис МАГАТЭ билан ҳамкорликни тўхтатиш бў-йича қонун лойиҳасини кўриб чиқмоқда.

«Дунё кўриб турибди – МА-ГАТЭ сиёсий инструментга ай-ланган. Агар агентлик ўз касбий

бетарафлигини қафолатламаса, ҳамкорлик тугатилади», деди Эрон Мажлиси спикери Муҳам-мад Бағир Ғалибоб.

Қонун лойиҳаси яқин кун-ларда қабул қилиниши мумкин. Техрон агентлик халқро маж-буриятларини бузмоқда ва ўта сиёсийлашган, деб ҳисобла-моқда.

Эрон: «АҚШ билан музокаралар тугади»

Эрон ташқи ишлар вазири ўринбосари Маждид Тахти-равончи АҚШ билан музо-кара олиб борилаётганини маълум қилди. Бу баёнот Исроилнинг АҚШ кўлоғидаги ҳужумлари давом этаётган пайт янгради.

«Исроил бизга АҚШ кўма-ғида ҳужум қилаётган бир пайт-да, музокаралардан мантик кут-иб бўлмайди. Биз жараён учун эмас, натижа учун музокара қи-лишимиз», деди у. Tasnim агентли-ғига берган интервьюсида.

Тахтиравончининг сўзла-рига қўра, Эрон 13 июндаги Исроил зарбаларидан сўнг Ва-шингтонга ўз позициясини ет-казган. Аммо ҳозирги шариоитда

ҳар қандай сиёсий мулоқот ўринсиз, деган у: «Бизнинг ҳар-бийлар нима қилиш керакли-гини яхши билишади. Ва улар бунга тайёр».

У АҚШ ҳарбий базаларига зарба бериш эҳтимоли ҳақида аниқ жавоб бермади. Аммо БМТ Уставининг 51-моддасига қўра, Эрон ўзини ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга эканини эслатади. Шунингдек, у Германия канцлерининг «Исроил биз-нинг ўринимизга қора ишни қил-моқда», деган баёнотини ке-скин қоралар экан, шундай деди: «Хукумат раҳбарининг оғ-зидан чиққан бундай сўзлар фо-жадир. Биз Германиядан бо-шқача муносабат кутган эдик».

Трам: Эронда режим ўзгариши мумкин

АҚШ президенти Дональд Трамп Эронда ҳокимият-нинг алмашиши ҳақида гапирди. Унинг сўзларига қўра, ҳозирги раҳбарият мамлакатни янада буюк қилиш вазифасини бажара олмаяпти.

«Агар бунинг оғли олдаса, унда нимага уни ушлаб туриш керак?» деб ёзди Трамп Truth Socialда.

Шу билан у Вашингтоннинг стра-тегик мақсади Техрондаги сиёсий трансформация эканини билво-сита тасдиқлади.

Трамп шунингдек, В-2 бом-бардирмончилари орқали Эрон ядро объектларига қилинган зар-балар муваффақиятли ўтганини айтди. Учоқлар Миссури штати-даги базага қайтган.

Москва, Пекин ва Исломобод урушга қарши

Россия, Хитой ва Покистон БМТ Хавфсизлик Кенга-ши АҚШнинг Эрон ядро объектларига берган зарба-ларини қораловчи резолюция лойиҳасини тақдим этди.

Ҳужжатда айтилишича, ушбу ҳужумлар халқро ҳуқуқни бузади ва глобал хавфсизликни таҳдид солади. Муаллифлар факултетида зарбаларни зудлик

билан тўхтатиш, тинч аҳоли ҳи-моясини таъминлаш ва дипло-матик ечимларни бошлашни та-лаб қилмоқда.

Улар, шунингдек, Эрон ядро дастурининг фақат тинч мақсадларда эканини халқро қафолатлар билан тасдиқлаш, эвазига барча санкцияларни бекор қилишни тақлиф қил-моқда.

Эрон ўрмуз бўғозини ёпмоқчи

Эрон расмийлари ўрмуз бўғозини тўлиқ ёпиш масаласини муҳокама қилмоқда. У минтақадаги жаҳон нефть ва газ савдосининг энг муҳим йўлакларин-дан бири ҳисобланади. Кор-пус кўмондонини ва парламент депутати Исмоил Кавсарий-нинг таъкидлашича, масала «кун тартибида турибди» ва «зарурат туғилганда амалга оширилади».

Ислон инқилоби соқилари корпуси ҳарбий-денгиз кучлари кўмондонини Алиризо Тангирий эса агар «мамлакат суверени-

тетига бўлган тажовулар» да-вом этса, бунинг яқин соатлар ичида амалга оширилишини таъкидлади.

Урмуз бўғози орқали жаҳондаги нефть етказиш бе-ришининг 30 фоизгача бўлган қисми ўтади. Бу – бутун дунё истеъмолчининг тахминан беш-дан бир қисмига тенг. Парла-мент қабул қилган қарор Эрон Миллий хавфсизлик олий ке-наши томонидан тасдиқла-ниши лозим.

Оламгир ОТАЁРОВ
тайёрлади

ҚИЗ ЧИҚАРГАНГА ҚИРҚ ЙИЛ ТЕГМА



Терроризмга қарши курашиш сахналари акс этган бадий фильмни кўрдим. Жуда яхши фильм экан. Кўп миллатлар бутун инсоният бахти учун халқаро терроризмга қарши биргаликда жон олиб-жон беришади. Фильм қахрамонларидан бири ўзбек. Иسمى – Шариф. Жасур, ориятли, виждонли йигит. Энг оғир вазиятларда ҳам қардош дўстлари унга суянади, ишонади. У энг хавфли нуқталарга ҳам биринчи бўлиб киради. Топшириқларни аъло даражада бажаради.

УЙФОҚ ҲАМ

Унинг тошкентлик эканини, 3 нафар қизи борлигини қуролдош дўстлари жуда яхши билишади. Шариф ўлимдан қўрмайди. Аммо у ўлмаслиги лозим. Чунки уйда уч қиз улғаймоқда, ҳали уларни узатиши керак. Фарзандлари ўзидан тиниб-тинчиб кетиши учун эса тилла тақинчоқлар, қимматбаҳо кийим-кечаклар, мебеллар, ошхона жиҳозлари, музлаткич, кир ювиши машинаси, микротўлқинли печ, куёвга ва кудаларга бир неча хил либослар, яна кўп-кўп нарсалар олиши керак.

Ҳа, Шариф ўлмаслиги лозим. Агар у ҳалок бўлса, қизларини ёлғиз хотини узата олмайди. «Болалари етим экан, бу оила яхши сарпо қила олмайди», деб унинг хонадонига совчилар келмайди. Мабода, бирор йигит севиб уйланса ҳам, қайнона-қайнотаси «Сарпосиз – таги паст келин», деб қизини хўрлаши мумкин.

«Сенинг қиз чиқаришинг деярли терроризм билан курашишдек гап экан», дейди буни эшитган рус дўсти.

«Қизинг отаси нега энди куёвни кийинтириши керак?» дея савол беради туркман қардоши.

«Бизда бундай машамшалар йўқ», дейишади қолган сафдошлар ҳам.

Ўзаро суҳбатларда бир дўсти уйига қайтгач, онасини доволатишини айтади, бир қуролдоши хотинини денгиз бўйига олиб бормоқчилигини баён этади, яна бири

отасига яхта совға қилмоқчилигини орзулайди.

Шариф эса қизларини узатиш ҳақида уйлайди. Гарчи унинг онаси ҳам хаста, гарчи унинг хотини ҳам денгизни кўрган эмас, аммо у бечораларнинг гарданини ҳам қиз узатиш, деган оғир юк босиб турибди.

Фильм сўнггида террорчи гуруҳ яқсон қилинади. Минг афсуски, қонли тўқнашувда Шариф ҳалок бўлади. Видеолашув онда қуролдош дўстлари у ҳақда энг яхши хотираларини айтишади. Унинг орзулари ҳақида сўзлашар экан, «Инсоният бахти ва тинчлиги учун жонини фидо қилган шундай мард одамнинг қизларига уйланаётган йигитлар, наҳотки, уларнинг кўлларига қарасан, ахир уларнинг отаси ўша куёвларнинг тинч яшаши учун ҳам жонини берди-ку?!» дейишади.

...Фильм томошасидан сўнг бир неча кун ўзимга келолмай юрдим. Муҳташам тўйхоналар ёнидан ўтар эканман, ноҳақ камситилаётган келинларни уйладим. Келин томон олиб келган мебелларни қайтариб юбораятган йигитнинг ота-онаси, келин томон яратган унинг пардасидан, гиламларидан, биллур идишларидан камчилик топаётган қайноналар, тилла соат, тилла узук, машина дардида қистирма гап қилаётган куёвлар кўз ўнгимдан ўтди.

Бу адолатсизликдан юрагимда оғриқ пайдо бўлди.

«Қиз чиқарганга қирқ йил тегма» дейдилар.

Бир қизини чиқарса-ку, майли, агар икки, уч, тўрт нафар қизини чиқарса-чи? Одам ўзи неча йил яшайди?! Тўрт қизни чиқарса, қирқ йилдан бир юз олтимиш йил яшаши керакми?!

Азиз замондош, келин, тафаккур қилайлик!

Бугун дабдабали тўйларни эмас, ЎЗБЕКНИНГ уйларидаги бўлғуси Берунийлар, Хоразмийлар, ибн Синолар, Бухорийлару Термизийларнинг келажagini уйлайлик.

Тўй, қақриқ, бешик тўйи, қуда чарлар, қуданинг туғилган қуни каби ўзимиз уйлаб топган «анъаналар» эмас, бўлажак Нақшбандийлар, Ғиждувонийлар, Замахшарийлар, Мирзо Улуғбеклар, Навоий ва Бобурларнинг тарбияси ҳақида қайғурайлик.

Тўғри, тўй қилайлик, шодланилайлик, аммо маънавий қиёфамизни йўқотиш эвазига эмас. Бир-биримизни йўқлайлик, бирлашайлик, дардлашайлик, аммо қарзга ботиш, инфаркт, инсулт олиб, қурбон бериш эвазига эмас.

Азиз замондош, келин, тафаккур қилайлик!

Зулфия МҲМИНОВА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

БЕБАҲО НЕЪМАТНИНГ ҚАДРИГА ҚАЧОН ЕТАМИЗ?

МУЛОҲАЗА

Бир кун ишдан қайтаётиб, ўспирин йигит челадаги чиқиндини сув оқаётган ариққа ағдараётганини кўриб қолдим. Уша лаҳзада оқаётган сувга, ундан фойдаланадиган кишиларга, ўспириннинг ота-онасига, унинг келажакига ачиндим. Кейин оғир хаёлга чўмдим. Эҳтимол, йигитча бу қилмиши қандай салбий оқибатларга олиб келишини билганида айни ҳолат юз бермасмиди?.. Ота-боболаримиз «Сувга тупурма, унга мағзава ағдарма, ҳар хил нарсаларни ташлама», деб ўғит бериб келишгани бежиз эмас. Улар сув бебаҳо неъмат эканини, унинг қадрига етиш лозимлигини ўқтиришган. Эндиликда бу насихатлар унутилгандек гўё. Юқорида тилга олинган воқеа ҳам биз сувнинг қадрига етмаётганимиздан далолат беради.



Ҳолбуки, олимларнинг таъкидлашларича, Ер қуррадаги сувнинг 96 фоизи океан ва денгизларнинг шўр сувидан, атиги 3 фоизи чучук сув захирасидан иборат. Яқин 25 йил ичида дунёдаги чучук сув захираси яна икки баробарга қисқариши мумкин. Айни кезлар 80 та мамлакатда чучук сув танқис бўлгани ҳолда, икки миллиардга яқин аҳоли ичимлик сув етишмаслигидан азият чекмоқда. Кўплаб минтақаларда сув етишмаслиги доимий жараёнга айланмоқда. Мутахассисларнинг таҳлиллари натижаларига кўра, бу жараён давом этиб, жорий йилда тахминан 5,5 миллиард киши тоза ичимлик сув танқислигига дучор бўлиши мумкин. Бу маълумотлар обихаётнинг қадрига етишимиз нақадар зарурлигини англатади. Шундай пайтда

биз нима қиляпмиз?.. Ўзимизга қўйиб берса, ҳавзалар бўйларида чиқиндилардан «тоғ» кўтаришдан ҳам тап тортмаяпмиз.

Куча-кўйларда тез-тез «Чиқинди ташламанг, жарима фалон сўм!» деган мазмундаги эълонларга кўзимиз тушади. Бирок ўспирин йигит-қизлар музқаймоқнинг қоғоз идишини дуч келган жойда, ёши катталар тамаки қолдигани истироҳат боғларида, бозорларда, жамоат жойларида қолдириб кетаётганини кўриб индамаймиз. Лоақал «Ҳой, барака топкур, бу ишингиз яхши эмас-ку!», деб бир оғиз танбех беришга ярамаймиз...

Курраи заминда шундай ҳақиқатлар борки, уларга исбот талаб этилмайди. Агар биз ўзимизни назорат қилишни ўрганмас эканмиз, виждонимиздан узоқлашавер-

раис, фаоллари бу хусусда, айниқса, сувга ташланаётган чиқиндиларнинг салбий оқибатлари ҳақида тегишли ташкилотлар мутахассислари ҳамкорлигида аҳолига тушунтириш ишларини олиб боришлари лозим.

Таъкидлаш жоизки, «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги ва «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунларга кўра, обихаёт ҳавзаларини ифлослантиришга йўл қўйилмайди, белги-ланган тартиб-қоидаларни бузиш жавобгарликка асос бўлади.

Албатта, аҳоли ўртасида бу борада тарғибот ишларини олиб бериш, шунингдек, жамоатчилик назоратини жорий этиш яхши самара беради. Муҳими, бу ишга панжа орасидан қарамаслик керак. Чунки обихаётнинг асосий манбалари, яъни ариқ, анҳор, канал, дарё, денгиз ва кўллар тозаллигига массўлимиз ва сувнинг қадрига етиш бурчимиздир. Буни асло унутмаслигимиз лозим!

Умид ХУДОЙҚУЛОВ
«ISHONCH»

Мароқли дам олинг, азиз газетхон!



Абдурауф Олимов ижросида

«ГУЛ БИР ЁН, ЧАМАН БИР ЁН»

Кўшиғи **Тўра Сулаймон шеъри**

Чаман ичинда бир гул, гул бир ён, чаман бир ён.
Сарви, санобармидир? – соч бир ён, суман бир ён.

Саҳар, субҳи содиқда мушк бир ён, мужгон бир ён.
Тун пардасин тортса гар, ой бир ён, осмон бир ён.

MUASSIS:

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002

2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Доверие» gazetalarini tahrir hay'ati:

Qudratilla RAFIQOV (tahrir hay'ati raisi),

Ulug'bek JALMENOV, Anvar ABDUMUXTOROV, Sayfullo AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDILOV, Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shoqosim SHOISLOMOV, Hamidulla PIRIMQULOVI, Nodira G'OIYIBAZAROVA, Anvar QULMURODOV (Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari), Mehridin SHUKUROV (Mas'ul kotib – «Ishonch»), Valentina MARSENYUK (Mas'ul kotib – «Ishonch-Доверие»)

Bosh muharrir **Husan ERMATOV**

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflik fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Bo'limlar:

Kasaba uyushmalari hayoti – (71) 256-64-69
Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43
Marketing va obuna – (71) 256-87-73

Hududlardagi muxbirlar:

Qoraqalpog'iston Respublikasi – (+998-99) 889-98-20
Andijon viloyati – (+998-99) 889-90-23
Buxoro viloyati – (+998-99) 889-90-31
Navoiy viloyati – (+998-99) 500-05-12
Jizzax viloyati – (+998-99) 889-90-34
Namangan viloyati – (+998-93) 213-09-66
Samarqand viloyati – (+998-99) 889-90-26
Sirdaryo viloyati – (+998-99) 889-98-55
Surxondaryo viloyati – (+998-90) 379-19-70
Toshkent viloyati – (+998-99) 600-40-44
Farg'ona viloyati – (+998-99) 889-90-24
Xorazm viloyati – (+998-99) 889-98-01
Qashqadaryo viloyati – (+998-97) 705-08-93

Navbatchesi muharrir:

G'ulomjon MIRAHMEDOV

Musahhih:

Umida XUDOYBERGANOVA

Sahifalovchi:

Hasan ABDUJALILOV

Bosishga topshirish vaqt – 00:00
Topshirildi – 02:40

Bahosi kelishilgan narxda

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.

Manzilimiz:

100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy.
E-mail: ishonch.1991@yandex.uz

Nashr ko'rsatkichi: 133

Gazetaning poligrafik jihatdan sifatli chop etilishiga bosmaxona mas'ul.
Gazetaning yetkazib berilishi uchun obunani rasmiylashtirgan tashkilot javobgar.

Umumiy adadi 182 xusata

Shundan: 6 187 nuxasi

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi –

Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uyda;

18 306 nusxasi

«Erudit» MCHJ bosmaxonasi –

Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uyda;

7 915 nusxasi

«Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi –

Marg'ilon shahri, Turkiston ko'chasi, 236-«b» uyda chop etildi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq. **Buyurtma G-611**

1 3 4 5 6